

Ўзбекистон Республикаси номидан  
Ҳ У К М

2022 йил май ойининг 26 куни, жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди, Қарши шаҳар, “Кунчиқар” МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, судья Ш.Нурматовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Б.Зокировнинг котиблигида, тарафлардан: давлат айбловчиси Қарши шаҳар прокурорининг ёрдамчиси О.Атаков, судланувчи М.Мирбобоева ва унинг ҳимоячиси адвокат Ф.Атавуллаев, телеграмм ижтимоий тармоғи орқали жабрланувчи Д.Урмонованинг иштирокида, Мирбобоева Муниса Махмудовнага нисбатан 1-1801-2203/313-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Мирбобоева Муниса Махмудовна, 1984 йил 19 май куни Шаҳрисабз туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Қарши шаҳар, “Шайхали” МФЙ, “Бўзтепа” кўчаси, 18-уйнинг, 69-хонадонда яшайди, иш бўйича 11.04.2022 йил эҳтиёт чораси сифатида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини, 2022 йил 15 апрель куни олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 140-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И:**

Судланувчи Мирбобоева Муниса Махмудовна, ЖИБ Қарши шаҳар судининг 2021 йил 13 август кунидаги маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддаси ва 52-моддаси 2-қисмида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир қилган деб топилиб, унга нисбатан 245.000 сўм миқдорда жарима жазоси тайинланган бўлса-да, бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасдан, 2022 йил 5 февраль куни соат 15:00ларда



Қарши шаҳар, “Шайхали” МФЙ ҳудудида ўзи билан қўшни бўлиб яшовчи Урмонова Дилфуза Қучқаровна билан ўрталарида олдиндан бўлиб келаётган келишмовчиликлари натижасида ўзаро тортишиб қолиб, Д.Урмоновани ҳар хил сўзлар билан ҳақорат қилиб, шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаган.

Судланувчи М.Мирбобаева юқоридаги жиноий ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 140-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни қасддан содир этган.

Судланувчи М.Мирбобаева судда, айбига иқрорлик, пушаймонлик билдириб, ЖИБ Қарши шаҳар судининг 2021 йил 13 август кундаги маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддаси ва 52-моддаси 2-қисмида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир қилган деб топилиб, 245.000 сўм миқдорда жарима жазоси тайинланганлигини, 2022 йил 5 февраль куни соат 13:00ларда Қарши шаҳар, “Шайхали” МФЙ ҳудудида қўшниси Д.Урмонова билан ўзаро тортишиб қолганлигини, ўзаро тортишув натижасида Д.Урмонова уни ҳақорат қилганлиги сабабли жаҳли чиқиб уни ҳам ҳақорат қилганлигини, қилмишидан пушаймонлигини билдириб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи М.Мирбобаеванинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганлиги, ўзининг айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари қуйидагилар билан ўз тасдиғини топди:

Жабрланувчи Д.Урмонова телеграмм ижтимоий тармоғи орқали судда, 2022 йил 5 февраль куни соат тахминан 15.00 ларда Қарши шаҳар, “Шайхали” МФЙ ҳудудида яшаш уйининг деразасидан қўшниси М.Мирбобоевага “қўшни яхшимисиз?”-деб сўраганида, М.Мирбобаева ҳар хил сўзлар билан ҳақорат қилганлигини, М.Мирбобаева билан ярашмаслигини, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўради.

Бундан ташқари, судланувчи М.Мирбобаеванинг айби:

-жабрланувчи Д.Урмонованинг аризасига кўра судланувчи М.Мирбобаевага нисбатан жиноят ишини қўзғатиш ва иш юритувга олиш тўғрисидаги қарор (ишнинг 1-5 в);

-судланувчи М.Мирбобаеванинг Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддаси ва 52-моддаси 2-қисмида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир қилган деб топилиб, унга нисбатан жарима жазоси тайинланганлиги тўғрисидаги қарори (ишнинг 10-11 в) ҳамда жиноят ишида мавжуд бошқа далиллар билан ўз тасдиғини топади.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи М.Мирбобаеванинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 140-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб



ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасига кўра, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида “Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир энгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги” кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлиги”, ушбу Қарорнинг 3-бандида эса “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги” ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи М.Мирбобаевага нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг шахсини эътиборга олиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблаб, жазосини энгиллаштирувчи ҳолатлар деб, уни айбига иқрорлик билдириб, содир этган жиноятдан пушаймонлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини, қарамоғида 3 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, оилада ягона боқувчилигини. оилавий шароитини инобатга олиб, унга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 140-моддаси 1-қисми билан санкцияси доирасида мажбурий жамоат ишлари жазоси тайинлашни, жазони Қарши шаҳар ИИО ФМБ томонидан белгилаб бериладиган жойларда ўтатиришни, жазо муддатини, М.Мирбобаева мажбурий жамоат ишларига жалб қилинган вақтдан бошлаб ҳисоблашни, М.Мирбобаевага нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

#### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи Мирбобаева Муниса Махмудовна Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 140-моддаси 1-қисмида кўрсатилган



жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи М.Мирбобаевага Ўзбекистон Республикаси ЖК 140-моддаси 1-қисми билан 150 (бир юз элик) соат мажбурий жамоат ишлари жазоси тайинлансин, жазо Қарши шаҳар ИИО ФМБ томонидан белгилаб бериладиган жойларда ўтаттирилсин, жазо муддати ҳукм ижрога қаратилиб, М.Мирбобаева мажбурий жамоат ишларига жалб қилинган вақтдан бошлаб ҳисоблансин, жазо ижросини назорат қилиш Қарши шаҳар ИИО ФМБ зиммасига юклатилсин.

М.Мирбобаевага нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ҳукмдан норози томон, ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида шу суд орқали Қашқадарё вилоят суди апелляция судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят келтиришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи судья

Ш.Нурматов

